

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНҚУЛОВ КАМОЛИДДИН МУРОДИЛЛАЕВИЧ

**КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (Қашқадарё вилояти мисолида)**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Шодмонкулов Камолиддин Муродиллаевич

Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш
йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида)..... 3

Шодмонкулов Камолиддин Муродиллаевич

Направления эффективного управления малыми промышленными
зонами (на примере Кашкадарьинской области)..... 25

Shodmonkulov Kamoliddin Murodillaevich

Directions of effective management of small industrial zones (on the
example of Kashkadarya region) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНҚУЛОВ КАМОЛИДДИН МУРОДИЛЛАЕВИЧ

**КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ
БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (Қашқадарё вилояти мисолида)**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt669 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Рахимова Дилфуза Нигматовна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Салимов Бахтиёр Таджиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Қ. Абдурахмонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Р.Х. Карлибаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида халқаро ташкилотлар томонидан кичик саноат зоналари инвестиция фаолияти натижаларини баҳолаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезон талаблари асосида кичик саноат зоналари тараққиётини бошқариш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Европа Иттифоқи иқтисодчи-олимлари ва экспертлари «инвестициялар иқтисодий инкироз даврида ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиши юз берганда иқтисодий фаолиятни тиклашга энг катта ҳисса қўшувчи омил эканлигини, ушбу омил кичик саноат зоналари учун ҳам бирдай аҳамиятли эканлигини таъкидламоқдалар»¹. Жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаган йирик ишлаб чиқарувчилар ҳам саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришга интиломоқда. Йирик саноат вакиллари ҳисобланган Sembcorp Industries, Ascendas-Singbridge (Сингапур) ва Mitsubishi, Sojitz ва Sumitomo (Япония) каби йирик ишлаб чиқарувчилар саноат зоналарига инвестиция киритиш орқали ўз молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишмоқда.

Халқаро амалиётда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан зоналар сиёсат натижаларини баҳолаш, самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратишга оид, шунингдек, кичик саноат зоналарнинг иқтисодий-ҳуқуқий мақомини ошириш ва уларни самарали бошқариш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кичик саноат зоналарини ташкил этиш орқали ҳудудларни ривожлантириш, ҳудудлараро табақаланиш ва тафовутларнинг салбий таъсирларини камайтириш, ишлаб чиқарувчи кучларни самарали жойлаштириш, инвестиция оқимларини тартибга солиш, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, илмий-техник ишланмалар ва замонавий технологияларни жорий этиш, кичик саноат зоналарини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини самарали бошқариш бизнес юритиш муҳитини яхшилаш билан бирга тадбиркорлар манфаатдорлигини ҳам оширмоқда. Хусусан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Рақобатбардош саноат унумдорлиги» индексининг 2020 йилги ҳисоботида мамлакатимиз илк бор акс эттирилиб, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 2-ўринни эгаллагани қайд этилди. Ҳозирда «тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш мақсадида ҳудудларда янги саноат зоналарини ташкил этиш»² муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифани самарали амалга ошириш кичик саноат зоналари фаолияти натижадорлигини юксалтириш, ушбу фаолиятнинг таҳлил механизмларини такомиллаштириш,

¹Petrović P., Arsić M., Nojković A. Increasing public investment can be an effective policy in bad times: Evidence from emerging EU economies. *Econ Model.* 2020. doi:10.1016/j.econmod.2020.02.004.

² Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси. – www.lex.uz

унинг ҳудудда иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини кучайтириш ҳамда уни бошқариш самарадорлиги даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 21 июндаги ПҚ-4363-сон «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон «Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида», 2019 йил 22 июлдаги 616-сон «Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид тегишли бўлган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зонал сиёсат ва кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг умумиқтисодий муаммолари, кичик саноат зоналаридаги инвестиция лойиҳасининг оптимал инвестиция портфелини шакллантириш масалалари юзасидан J.J.Buckley, Y.C.Chui, S.P.Chan, D.Kuchta, C.Kahraman, D.Ruan, E.Tolga, R.P.Mohanty, R.Agarwal, L.Dimova, P.Sevastianova, A.K.McCowan, П.Самуэльсон, Г.Александр, Ж.Бейли, Л.Ж.Гитман, М.Д.Жонк, К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брю³ тадқиқотлар олиб борганлар.

³ Buckley, J.J. (1987) The fuzzy mathematics of finance, fuzzy sets and systems, 21, pp. 257-273; Chui, Y.C. and Chan, S.P. (1994) Fuzzy cash flow analysis using present worth criterion, Engineering economist, 39, pp. 113-138; Kuchta, D. (2000) Fuzzy capital budgeting. fuzzy sets and systems, 111, pp. 367-385; Mohanty, R. P., Agarwal, R., Choudhury, A. K. and Tiwari, M. K. (1994) A fuzzy and-based approach to r&d project selection: a case study, int. j. Production research, 43, pp. 5199-5216; Dimova I., Sevastianova P., Sevastianov D. (2006) Modern in a fuzzy setting: investment projects assessment application. Int. j. production economics, 100, pp. 10-29; Mohamed S., McCowan, A.K. (2001) Modelling project investment decisions under uncertainty using possibility theory. Int. j. Project management, 19, pp. 231-241; Samuelson Paul A. Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers. Scientia, 1997; Шарп У., Александр Г., Бейли Дж., Инвестиции: Пер.сангл. – М.: Инфра-М, 2010. - 1028 с; Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д.Джонк. Основы инвестирования. – М.: Дело, 2007. – С. 10; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 2-том. – М.: Республика, 2002. – 338 с.

МДХ давлатларида Е.В.Михайлова, Н.Д.Гуськова, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Слушкина, В.И.Маколев, О.С.Сухарев, С.В.Шманев, А.М.Курьянов ҳамда В.В.Мищенко⁴ алоҳида олинган иқтисодиёт тармоқларидаги махсус зоналар инвестиция оқимини бошқаришнинг назарий жиҳатлари, шу жумладан, саноатни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш муаммолари бўйича тадқиқот олиб борганлар.

Мамлакатимиз олимларидан М.А.Абдусаломов, Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқов, О.О.Олимжонов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.В.Маматкулов, Ш.Ҳ.Назаров, А.Б.Низамов, Ҳ.М.Сайдахмедов, А.Р.Холикулов, Ҳ.Р.Ҳамроев⁵ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида минтақавий иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналарнинг турли йўналишдаги муаммолари ёритилган. Мамлакатимизда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестициядан самарали фойдаланиш усуллари ва уларни такомиллаштириш йўналишларини С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Ш.Шодиев, Б.Б.Беркинов, А.Н.Кравченко, Ё.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Б.Т.Салимов, Н.М.Маҳмудов, Д.М.Расулев⁶ сингари олимларнинг ишларида кузатиш мумкин.

Юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан таклиф этилган бошқариш моделларида кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришнинг тармоқ ва ҳудудларга тақсимланувчи инвестицияларнинг ноаниқлик, хатарлилик ҳамда таваккалчилик чегаралари, маҳаллийлаштириш имкониятларини ошириш ва модернизациялаш шароитлари ҳисобга олинмаган. Муаллиф томонидан таклиф этилаётган кичик саноат зоналари фаолиятининг замонавий инновацион-инвестицион менежменти тизими

⁴Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование. – СПб.: СПУЭиФ, 2001. – С. 357; Гуськова Н.Д., Кравовская И.Н., Слушкина Ю.Ю., Маколев В.И. Инвестиционный менеджмент. – М.: Дашко и К, 2006. – 351 с; Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьянов А.М. Экономическая оценка инвестиций. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 243 с; Мищенко В.В. Инвестиционный менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 416 с.

⁵Абдусаломов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.; Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика: Учебное пособие. – М.: Изд. РЭА им.Г.В.Плеханова. 2006. – 231 с.; Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация. Монография. – Ташкент, 2019. -536 с.; Олимжонов О.О. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов. Агрэкономика, 2017, №1. – С. 7-12; Эгамбердиев Ф.Т. ва бошқалар. Мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицияларнинг туган ўрни. – Т.: Иқтисодиёт ва молия. 2017. 68-74 б.; Mamatkulov A.V. The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. “Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan’s development strategy”. – Tashkent, 2018.; Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2016.-93 б.; Низамов А.Б. Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ташкент, 2018 г. – С. 45; Сайдахмедов Х.М. Развитие регионов Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень “Экономика Узбекистана” за 2017 год. ЦЭИ, 2018 г.; Холикулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси. – Т., 2002. 186 б.; Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат. – Тошкент: Фан, 2008.

⁶ Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. / Под ред.акад. С.С. Гулямова. – Т.: Фан ва технология, 2007; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис.док.экон.наук. – Т.: ТГЭУ, 1988. -380 с; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н. Бизнес кийматини баҳолаш. Ўқув қўлланма./ И.ф.д., проф Б.Ю.Ходиев тахрири остида. – Тошкент: Фан, 2006. -228 б; Абдуллаев Ё. «Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар» иқт. фан. док. дис. – М.: МЭСИ, 1987 й; Алимов Р.Х. ва бошқ. Корхонларда инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Fan va technology», 2014; 104 бет. Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи, 1995. -154 с; Махмудов Н. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012 й; Расулев Д.М. Введение в динамику общего экономического равновесия. Учебное пособие. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – С. 88.

юқорида келтирилган ҳолатлар билан бирга миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, кичик саноат зоналарини самарали бошқариш ва улардан кутилаётган натижани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №2-021-І-сонли «Инновацион иқтисодиёт шароитида агробизнеснинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, менежменти ва инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-услубий ҳамда амалий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш йўналишларини тадқиқ этиш асосида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик саноат зоналари фаолияти зарурлиги ва иқтисодий-ҳуқуқий мақомини ўрганиш;

кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий тенденцияларини ёритиб бериш;

кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этишга оид хориж тажрибасини ўрганиш;

кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

Қашқадарё вилояти кичик саноат зоналари фаолиятини шакллантириш ва бошқариш жараёнига таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини таҳлил қилиш;

кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш тамойил ва мезонларини илмий асослаш;

кичик саноат зоналари тараққиётини самарали бошқаришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

кичик саноат зоналари фаолияти иштирокчилари рақобатбардошлигини ошириш жараёнини стратегик моделлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятида ташкил этилган кичик саноат зоналари фаолиятини бошқариш жараёнлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш жараёни билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил ва умумлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, прогнозлаш, SWOT-таҳлил, ташкилий-маъмурий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришни танлов асосида амалга оширишни корхоналарнинг махсус инфратузилма хизматлари таъминоти жиҳатидан фаолият йўналиши ва ихтисослашувини инвестиция олди баҳолаш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

кичик саноат зоналари бошқарув фаолиятида унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг умумий ишлаб чиқариш жараёни ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича рискларини таснифлаш, риск даражасини баҳолаш ва бошқаришга йўналтирилган махсус хизматни йўлга қўйиш таклифи асосланган;

кичик саноат зоналари иштирокчиларининг олдиндан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келган янги истиқболли инвестицион имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилган ҳамкорликдаги (қўшма) лойиҳаларни КСЗ дирекцияси ташаббускорлигида йўлга қўйиш орқали инвестициялар оқимини рағбатлантириш асосланган;

Қашқадарё вилоятида узоқ ва қисқа муддатларда инвестицияларнинг кичик саноат зоналари фаолиятига таъсирини баҳолаш асосида 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришни танлов асосида амалга ошириш зарурлиги илмий асослаб берилган ва бунда бош мезонлардан бири сифатида – корхоналарнинг фаолият йўналиши ва ихтисослашувини уларнинг махсус инфратузилма хизматлари таъминоти жиҳатидан инвестиция олди баҳолаш натижалари олиниши асослаб берилган;

кичик саноат зоналари бошқарув фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш учун махсус хизматни шакллантириш ва унинг зиммасига – иштирокчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва инвестицион рискларини таснифлаш, риск даражасини баҳолаш ва самарали бошқарув масъулиятини юклатиш лозимлиги асослаб берилган;

КСЗ дирекцияси ташаббускорлиги ва иштирокчиларнинг манфаатдорликлари асосида янги истиқболли инвестицион имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилган ҳамкорликдаги (қўшма) лойиҳаларни йўлга қўйиш орқали кичик саноат зоналарига инвестициялар оқимини рағбатлантириш имкониятлари асослаб берилган;

Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналари фаолиятининг SWOT-таҳлили ҳамда вилоятда узоқ ва қисқа муддатларда инвестицияларнинг таъсирини баҳолаш асосида 2026 йилгача бўлган тегишли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги маълумотлари ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги ва тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг юқори ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланишлар давомида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялардан кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш ва уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган инвестицион лойиҳалар, мақсадли

ривожлантириш дастурлари ва устувор йўналишларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялардан кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, бошқариш, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган стратегиялар ва давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш, тизимли мониторингни амалга ошириш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳаллий ҳокимликлар ва кичик саноат зоналарининг ҳудуд саноати иқтисодий ўсишини таъминлашдаги масъулияти ва вазифаларини аниқлаштиришда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида «Менежмент», «Минтақавий иқтисодиёт» ва «Бизнесни бошқариш» фанлари бўйича тегишли илмий тадқиқот ишлари, маърузалар матни, кейс-стади, ўқув қўлланмалар ва дарслик тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришни танлов асосида амалга оширишни корхоналар махсус инфратузилма хизматлари таъминоти жиҳатидан фаолият йўналиши ва ихтисослашувини инвестиция олди баҳолаш орқали такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 06/04-02-32/2671-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши 2021 йилнинг биринчи ярмида кичик саноат зоналарига инвесторларни жалб этиш кўламини 11 фоизга ошириш ҳамда улардаги инвестицион лойиҳаларнинг самарали ижросини таъминлаш имконини берган;

кичик саноат зоналари бошқарув фаолиятида унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг умумий ишлаб чиқариш жараёни ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича рискларини таснифлаш, риск даражасини баҳолаш ва бошқаришга йўналтирилган махсус хизматни йўлга қўйиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 06/04-02-32/2671-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришга қаратилган тадбирлар комплексининг ижроси юзасидан 2021 йилнинг биринчи ярмида 5,9 фоизли иқтисодий ўсишга эришилган;

кичик саноат зоналари иштирокчиларининг олдиндан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келган янги истиқболли инвестицион имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилган ҳамкорликдаги (қўшма) лойиҳаларни КСЗ дирекцияси ташаббускорлигида йўлга қўйиш орқали инвестициялар оқимини рағбатлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий

қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 06/04-02-32/2671-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида потенциал ва истиқболли инвесторлар ўртасида соғлом рақобат кучайишига эришилган ва потенциал ҳамда истиқболли инвесторларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари 21 фоизга яхшиланиши асосида уларнинг янги иш ўринлари яратишдаги иштироки 9,6 фоизга, ўзлаштирилган инвестициялардаги иштироки 18,6 фоизга ошган;

Қашқадарё вилоятида узоқ ва қисқа муддатларда инвестицияларнинг кичик саноат зоналари фаолиятига таъсирини баҳолаш асосида 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2021 йилдаги инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш, давлат инвестиция сиёсати бўйича хатарларни бошқаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 06/04-02-32/2671-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кичик саноат зоналари фаолиятини самарали инвестицион бошқаришнинг узоқ муддатли вазибаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизимини ишлаб чиқишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг илмий-амалий натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида кичик саноат зоналари фаолияти: зарурлиги ва иқтисодий-ҳуқуқий мақоми, кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий тенденциялари, кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил

этишга оид хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўналишлари ёритилган.

Кичик саноат зонаси (КСЗ) минтақани жадал ижтимоий-саноат жиҳатидан ривожлантириш учун мамлакат ва хориж капитални, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузилувчи, алоҳида ҳуқуқий тартиботга эга махсус ажратилган ҳудуддир. Кичик саноат зонаси ҳудудида юридик шахслар ва жисмоний шахслар хўжалик, молиявий ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишларига рухсат этилади. Кичик саноат зоналари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, аввало, «Кичик саноат зоналари тўғрисида»ги низом ва бошқа қонун ҳужжатлари ташкил этади.

Мамлакатимизда КСЗ фаолиятининг шаклланиши ва келгуси тараққиёти учун илк қадам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сонли «Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига кўра, мамлакатимизда давлат иқтисодий сиёсатининг янги талабларига мос тарзда КСЗ фаолиятини самарали бошқаришнинг муҳим мезонлари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

2026 йилда мамлакатимизда «тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш мақсадида ҳудудларда янги саноат зоналарини ташкил этиш» мақсадида «Республика бўйича қўшимча 200 та саноат зоналарини ташкил этиш: Бунда: саноат зоналарининг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш; электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси етказиб беришни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш (бунинг учун 2022 йилда 1,5 трлн. сўм ажратиш)» вазифаси белгилаб олинди⁷.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш жараёнида кичик саноат зоналари кўринишидаги янги ҳудудий саноат марказларининг шаклланиши мамлакат иқтисодиётига юқори малакали ишчи кучи жалб этиш ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали ҳудуд ва саноат инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайди⁸.

Иқтисодий адабиётларда ва муаллифларнинг илмий маърузаларида кичик саноат зоналари мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда. Мазкур тушунча мазмунини хорижлик муаллифлардан J.Kolko ва D.Neumark «кичик саноат зонаси – давлат аралашувини чеклаш, алоҳида имтиёзлар ва корпоратив преференциялардан фойдаланиш имконини

⁷ Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитасининг 29-мақсади 127-банди.

⁸ Инвестициявий фаоллик: таҳлил ва имкониятлар. Коллектив моногр. – Т.: Fan va texnologiya, 2019, 80-бет.

берувчи, янги иш ўринларини яратувчи тадбиркорлик»⁹, S.Van Parys, S.Jamesлар «имтиёзлар, жумладан солиқ имтиёзлари (тўлиқ озод этиш, таътилар бериш, пасайтирилган ставкаларни қўллаш, солиқ юки пасайиб бориш тенденциясини сақлаб туриш) ва инвестициялар ҳажмининг мутаносиб нисбатини таъминловчи механизм»¹⁰, россиялик муаллифлардан К.С.Свинцова «тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг махсус режимини таъминловчи ҳуқуқий воситалар ва усуллар тўплами»¹¹, Ю.Н.Горбунова «чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ишлаб чиқариш, товар ва хизматларнинг халқаро иқтисодий қоидаларга мувофиқ ишловчи бозорларини шакллантиришга қаратилган имтиёзли режимлар тизими яратилаётган миллий ҳудуднинг бир қисми»¹², маҳаллий муаллифлардан Б.Т.Салимов ва Б.Б.Салимов «саноат соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини танлов асосида жойлаштиришга мўлжалланган ва самарали ривожланишини таъминловчи, давлат имтиёзи ва кафолатини олиш имкониятини берувчи, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарнинг фойдаланилмаётган давлат мулки ҳисобланган бўш ер майдонлари ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олувчи муҳандислик-техник, транспорт коммуникациялари ўтказилган ва зарур инфратузилмага эга ҳудуд»¹³, Н.Р.Ражабов «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини оширишнинг самарали йўли»¹⁴ деб таъриф берганлар.

Тадқиқот жараёни «кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришни танлов асосида амалга оширишни корхоналарнинг махсус инфратузилма хизматлари таъминоти жиҳатидан фаолият йўналиши ва ихтисослашувини инвестиция олди баҳолаш орқали такомиллаштириш лозимлигини» алоҳида таъкидлаш лозимлигини кўрсатди.

Кичик саноат зоналари фаолиятининг зарурлиги ва иқтисодий-ҳуқуқий мақомини иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида ўрганиш бу жараёни уч даражадаги тизимли муносабат иштирокчиларининг мақсадли фаолияти йиғиндиси сифатида қабул қилишни талаб этади (1-расм).

КСЗ фаолиятининг зарурлиги ва иқтисодий-ҳуқуқий мақомини тадқиқ этишнинг муаллиф таклиф этаётган методологик ёндашуви КСЗ фаолиятининг зарурлиги, КСЗ иқтисодий-ҳуқуқий мақоми ҳамда КСЗ

⁹ Do Some Enterprise Zone Create Jobs? // NBER Working Paper. 2019. No.15206. [Электронный ресурс]. URL: www.nber.org/papers/w15206.

¹⁰ The Effectiveness of Tax Incentives in Attracting Investment: Panel Data Evidence from the CFA Franc Zone // International Tax and Public Finance. 2018. Vol. 17, Is. 4. P. 400–429.

¹¹ Свинцова К.С.Административно-правовой режим особых экономических зон: Автореф. дис.. канд. юрид. наук. –Воронеж, 2018. С. 23.


¹² Горбунова Ю.Н.Особые экономические зоны: мировой опыт и практика РФ: Автореф. дис. юрид. наук. –Хабаровск, 2015. С. 8.

¹³ Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. – Т.: Иқтисодиёт, 2020. 15-б.

¹⁴ Ражабов Н.Р. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш (Навоий ЭИЗ мисолида). Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2021. 3-б.

фаолиятини самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батафсил ёритиб беради.

Мазкур методологик ёндашувдан фойдаланишнинг объектив сабаби шундаки, бошқа моделларга нисбатан иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида тизимли англаш модели КСЗ фаолиятида табиий ва иқтисодий объектлар, субъектлар ва институтларга оид кўплаб жараёнлар ҳамда турли хил ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда КСЗ даражасида эндоген омилларнинг акс этишини ўрганиш имконини беради.



1-расм. Кичик саноат зоналари фаолиятининг зарурлиги ва иқтисодий-ҳуқуқий мақомини тизимли тушуниш ҳамда тадқиқ этиш¹⁵

¹⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлаштириш услубиёти қодалари асосида кичик саноат зоналари фаолиятининг зарурлиги ва иқтисодий-ҳуқуқий мақомини тизимли тушуниш ва тадқиқ этиш асосидаги умумлашган талқини «КСЗ – доимий тарзда ортиб боровчи ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни янада тўлиқроқ қондириш мақсадида КСЗ иштирокчилари инвестицион имкониятлари ва ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш асосида тегишли давр мобайнида КСЗда ишлаб чиқариш ҳажми ва рақобатбардошлигининг миқдор ва сифат жиҳатидан ошишини ифода этувчи иқтисодий категория сифатидаги ифодаси» эканлигини таъкидлаш имконини беради.

Муаллифнинг фикрича, КСЗнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: давлатга тегишлилик ва у билан тўғридан-тўғри боғлиқлик; алоҳидалилик – давлат томонидан аниқ белгиланган чегаралар ва объектни мамлакатнинг қолган қисмидан қатъий ажратиш; институционал инфратузилма мавжудлиги, чунки уларнинг йўқлиги объект ва қолган иқтисодий комплекс ўртасидаги фарқларнинг тасодифий (ўз-ўзидан, стохастик) хусусиятини кўрсатиши мумкин; маълум бир мамлакатда амал қилувчи умумий режимдан фарқ қилувчи, лекин мутлақо истисно қилинмайдиган (ўзига хос турдаги) махсус ҳуқуқий ва маъмурий режим; КСЗ доирасида фаолият юритувчи муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқаларни КСЗ фаолият мақсади ва шартлари нуқтаи назаридан тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг **«Кичик саноат зоналари фаолиятини бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш имкониятлари»** деб номланган иккинчи бобида кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари масалалари тадқиқ этилган, Қашқадарё вилояти кичик саноат зоналарининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари таҳлил қилинган, инвестицияларнинг кичик саноат зоналари фаолиятига таъсирини баҳолашнинг эконометрик модели берилган.

Ҳозирги кунда кичик саноат зоналари таркибига кирувчи лойиҳаларнинг молиявий ва иқтисодий-ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш, шу билан бирга, кичик саноат зоналарининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш зарурати юзага келмоқда. Бу кўрсаткичлар КСЗлар ҳолатини ўзаро қиёсий баҳолашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар КСЗларни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар белгилашда ахборот базаси сифатида хизмат қилади.

Мамлакатимизда кичик саноат зоналари шаклланишининг илк босқичи кузатилаётганлиги боис мутасадди вазирлик ва идоралар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан кичик саноат зоналари фаолияти натижаларини баҳолаш услубиётига оид


йўриқнома ва кўрсатмалар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда кичик саноат зоналари фаолияти тадқиқининг илк намуналарида келтирилган услубийетни кўриб чиқиш билан чекландик¹⁶.

Кичик саноат зоналари Ўзбекистонда ҳозирги кунда шаклланиш жараёнидан ўтмоқда. Кичик саноат зоналарининг барпо этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабрь 2014 йилдаги, 378-сонли қарори билан тасдиқланган «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги низом қабул қилингандан кейин бошланди.

Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналари тараққиётида «Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПК-3635-сон қарори илк қадамлардан бўлди.

2021 йил 25 октябрь ҳолатига Қашқадарё вилоятидаги КСЗлари сони 28 тани, улар эгаллаган майдон 78 га ни, улардаги жами лойиҳалар сони 151 тани, лойиҳа қиймати 815,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Инвестицияларнинг кичик саноат зоналари фаолиятига таъсирини баҳолаш мақсадида олтига кўрсаткич Қашқадарё туманлари кесимида 2019, 2020 ва 2021 йиллардаги маълумотлар таҳлили муаллиф томонидан жамланиб, иккита гуруҳга бўлинди: асосий кўрсаткичлар, иккиламчи кўрсаткичлар (2-расм).



2-расм. КСЗ фаолиятига таъсир қилувчи кўрсаткичлар тизими¹⁷


КСЗ фаолиятига таъсир қилувчи кўрсаткичлар тизимининг илмий тадқиқи кўрсатмоқдаки, асосий кўрсаткичларга киритилган инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажми танлаб олинди. Киритилган инвестициялар КСЗлари фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш ва ривожлантиришда асос сифатида

¹⁶Салимов Б.Б., Салимов Ш.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Илмий монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2020. 135 б.

¹⁷ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хизмат қилган. Иккиламчи кўрсаткичларга эса, КСЗлари сони, импорт ўрнини босувчи маҳсулот, экспорт ҳажми ва яратилган иш ўринлари сони олинган. Иккиламчи кўрсаткичларда импорт ўрнини босувчи маҳсулотга тўхталган. Бугунги кунда экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида кичик саноат зоналари ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи кўрсаткичлар ўзаро боғлиқлиги тўртта қисмга бўлиб ўрганилган. Бунда кучли ижобий таъсир этувчи кўрсаткичларга импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва КСЗ ишчилари сони, кучли салбий таъсир этувчи кўрсаткичларга КСЗ сони, кучсиз ижобий таъсир этувчи кўрсаткичларга инвестиция ҳамда кучсиз салбий таъсир этувчи кўрсаткичларга импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш танлаб олинган.



3-расм. КСЗ ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи кўрсаткичлар боғлиқлиги¹⁸

Диссертацияда муаллиф томонидан «кичик саноат зоналари бошқарув фаолиятида унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг умумий ишлаб чиқариш жараёни ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича рискларини таснифлаш, риск даражасини баҳолаш ва бошқаришга йўналтирилган махсус хизматни йўлга қўйиш» лозимлиги ҳақидаги таклиф ишлаб чиқилди.

Тадқиқот давомида кичик саноат зоналари ривожланиши тўлиқ моделлаштирилган. Бунда эконометрикада ҳозирги кунда кенг тарқалган Панел моделларидан фойдаланилган. Модель ишончлиги мавжуд тестлар асосида олиб борилган. Демак, кичик саноат зоналарида инвестиция, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги ишчи кучини яратиш мазкур фаолиятда туб бурилиш ҳосил қилишга хизмат қилган.

Диссертациянинг «**Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришнинг асосий йўналиш ва истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш тамойиллари ва мезонлари, кичик саноат зоналари тараққиётини самарали бошқаришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишлари, кичик саноат

¹⁸ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

зоналари фаолияти иштирокчилари рақобатбардошлигини ошириш жараёнини стратегик моделлаштириш масалалари ёритилган.

Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш тамойили, давлат ва хусусий шерикчилигидан (ДХШ) фойдаланиш тамойили, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тамойилидан иборат.

Инвестицияларнинг кичик саноат зоналари фаолиятига таъсирини баҳолаш, прогноз қилиш ва уларнинг узоқ ва қисқа муддатли боғлиқликда амал қилиш коэффициентини аниқлаш услубиёти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган ва 2021 йил инвестицион стратегияни ишлаб чиқишда, давлат инвестиция сиёсати бўйича хатарларни бошқаришда фойдаланилган. Натижада Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси¹⁹га ҳамоҳанг тарзда 2022-2026 йилларда кичик саноат зоналари инвестицион фаолиятини самарали бошқаришга қаратилган комплекс тадбирлари тизими (КСЗИФСБҚКТТ)ни ишлаб чиқишга эришилган ва унда асосий эътибор баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида инвестор ва кичик саноат зонаси дирекцияси ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган (4-расм).

Мазкур тадбирлар тизимида муаллиф томонидан тадқиқотда ишлаб чиқилган «кичик саноат зоналари иштирокчиларининг олдиндан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келган янги истиқболли инвестицион имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилган ҳамкорликдаги (қўшма) лойиҳаларни КСЗ дирекцияси ташаббускорлигида йўлга қўйиш орқали инвестициялар оқимини рағбатлантириш»га оид таклиф муҳим ўрин эгаллайди.

Асосий мақсадга эришиш учун қуйидагилар КСЗИФСБҚКТТнинг асосий йўналишлари этиб белгиланиши лозим:

инвесторларнинг КСЗ дирекцияси билан ўз дастурлари ва инвестицион лойиҳаларида қўйган вазифаларини тўлиқ ва самарали бажаришга асосланган, талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш;

самарали зонал сиёсат давлат маъмуриятчилигини ташкил этиш ҳисобига баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш;

¹⁹ Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитасининг 29-мақсади 127-бандида республика бўйича қўшимча 200 та саноат зоналарини ташкил этиш ва бунда: саноат зоналарининг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш; электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси етказиб беришни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш (бунинг учун 2022 йилда 1,5 трлн. сўм ажратиш) муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

КСЗИФСБҚҚТТ нинг мақсади ва вазифалари

